



№ 24 н. февраль 2016 йил

№ 19Ф

Урганч ш.

Ҳисса № _____

Вилоятнинг чегарадош ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунига асосан, Хоразм вилоятининг кўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудларида яшовчи аҳолига зарур шарт-шароитлар яратиш, ерлардан самарали фойдаланиш, уларда хизмат кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

1. Вилоятнинг кўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан назоратни амалга ошириш ҳамда белгиланган тартибда аҳолига берилган ер участкаларида зарур муҳандислик-техника иншоотлари куриш, жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини барпо этиш бўйича иловага мувофиқ вилоят Ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

2. Вилоят Ишчи гуруҳи (Р.Рўзметов):

- чегара ҳудудида жойлашган бино-иншоотлар, ер турлари, аҳоли пунктларининг ва ноқонуний қуриilmаларнинг ҳолати юзасидан маълумотларни таҳлил қилсин;
- чегара ҳудудларида яшовчи аҳолига зарур шарт-шароитлар яратиш, ерлардан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини барпо этиш бўйича таклифлар киритсин.

Айниқса ҳозирда бўл ва фойдаланилмаётган бино-иншоотлар сонини аниқлаб, келгусида мақсадли фойдаланиш бўйича таклифлар киритилсин.

3. Чегара кўшинлари 9203 харбий қисми (С.Левашов) чегарадош ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан назоратни амалга ошириш ҳамда белгиланган тартибда аҳолига берилган ер участкаларида зарур муҳандислик-техника иншоотлари куриш, жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини барпо этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзоларига вазифаларни сифатли бажарилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

4. Ушбу топшириқларни бир ой муддатда якунига етказиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун вилоят ишчи гуруҳи масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

П.Бобожонов



Вилоят ҳокимининг
2016 йил 24 февралдаги
I9ф - сон фармойишига
Илова

Вилоятнинг чегара ҳудудларидаги аҳолига берилган ер участкаларида зарур муҳандислик-техника иншоотлари куриш, жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини барпо этиш бўйича тузилган вилоят Ишчи гуруҳи таркиби

- | | |
|-----------------------------|--|
| Р.Рўзметов | - вилоят ҳокимининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари |
| М.Мадириймов | - вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари |
| Ишчи гуруҳ аъзолари: | |
| Қ.Атабаев | - вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари |
| Ш.Валиев | - вилоят божхона бошқармаси бошлиғи |
| С.Левашов | - чегара кўшинлари 9203 харбий қисм бошлиғи |
| Ш.Атажанов | - вилоят архитектура ва курилиш бош бошқармаси бошлиғи |
| М.Давлатов | - вилоят молча бошқармаси бошлиғи |
| Р.Қурбанов | - вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи |
| Э.Бобожанов | - Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи |
| Қ.Рўзметов | - "Хоразмавтоёул" ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти бошлиғи вазифасини бажарувчи |
| С.Яхшимуратов | - "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖ раиси |
| Б.Бекчанов | - "Шимолгазтаъминоти" унитар корхонаси вилоят бошқармаси бошлиғи |
| Б.Исламов | - "Гуямўйин-Урганч" минтакалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи |
| Қ.Ортиқов | - "Қўйи Амударё" ИТХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| Ж.Яқубов | - "Ўзбекистон темир йўллари" ДТЙАК Қўнгирот минтақавий узели бошлиғи ўринбосари |
| А.Ражапов | - вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси в.б |
| Б.Матякубов | - вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси директори |
| Лавозимига кўра | - чегара туманлар ҳокимлари |